

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ ҲУҚУҚИЙ-ИЛМИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

А.Х. Дониёров

профессор, т.ф.д Тошкент давлат шарқшунослик университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13896694>

**Аннотация.** Мазкур мақолада XXI асрда юз бераётган этнослараро муносабатлар ва маданиятлар бирлашуви жараёнида этнотуризмни шакллантириши халқнинг миллий ўзлигини сақлаб қолиши, ҳар бир ҳудудни ягона этник ва маданий макон сифатидаги ўрнини белгилаш долзарб аҳамият касб этиши кўрсатиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** этнослараро, Зиёрат сайёҳлиги, Ўзбектуризм, урф-одатлар.

**Аннотация.** В данной статье показано, что в процессе межнациональных отношений и объединения культур в XXI веке формирование этнотуризма имеет актуальное значение для сохранения национальной самобытности народа, определения места каждого региона как единое этнокультурное пространство.

**Ключевые слова:** межнациональный, Паломнический туризм, узбекский туризм, традиции.

**Abstract.** In this article, it is shown that in the process of inter-ethnic relations and unification of cultures in the 21st century, the formation of ethno-tourism is of urgent importance to preserve the national identity of the people, to determine the place of each region as a single ethnic and cultural space.

**Keywords:** interethnic, Pilgrimage tourism, Uzbek tourism, traditions.

XI асрда юз бераётган этнослараро муносабатлар ва маданиятлар бирлашуви жараёнида этнотуризмни шакллантириш халқнинг миллий ўзлигини сақлаб қолиши, ҳар бир ҳудудни ягона этник ва маданий макон сифатидаги ўрнини белгилаш долзарб аҳамият касб этиди. Зиёрат сайёҳлиги “маданиятлар ўртасидаги мулоқот” орқали тинчликни сақлаш ва халқларнинг яқинлашишига ҳисса қўшадиган, маданий, гуманитар ривожланишнинг бош омили ҳамда миллий анъаналар, урф-одатларни сақлаб қолиш воситаси ҳам ҳисобланади.

Мустақил давлат сифатида халқаро стандартларга жавоб берадиган туризм индустряси ҳамда инфратузилмасини барпо этиш учун халқаро меъёрларга жавоб берадиган тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиши мақсадида ҳукумат ушбу соҳанинг эҳтиёж, талаб ва таклифларни ўрганиш натижасида 1992 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбектуризм” миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида» ги Фармони қабул қилинди. Мустақилликнинг дастлабки даври, яъни 1992 йил сентябрда Ўзбекистон халқ анъаналарини ва маросимларини тиклаш, тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш, ўрганиш ва таъмирлаш ҳамда 2000 йилгача бўлган даврда республикада туризмни ривожлантишнинг тизими (концепцияси) ва дастури тасдиқланган.

Дастурга кўра:

биринчидан, мамлакатда сайёҳлик саноатини ривожлантириш азалий анъана ва маросимларни, маданий ва номоддий мерос ёдгорликларини сақлаш, асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилишни маблағ билан таъминловчи муҳим манбаси бўлиши;

иккинчидан, “Буюк ипак йўли” маршрутини ишлаб чиқиши ва алоҳида эътиборга олиш;

учинчидан, туризм, жумладан, чет эл туризми соҳасида малакали миллий кадрларни (менежерлар, иқтисодчилар, экскурсия раҳбарлари, сервис хизмати ходимлари ва шу кабилар) тайёрлаш;

тўртингидан эса туризм инфратузилмасини, соҳадаги сервис хизматини, мавжуд техник базани мустаҳкамлаш ва яқин келажакда қўшимча янги обьектларни (жойлаштириш воситаларини, транспорт ва маданий хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш ҳамда халқ амалий санъати маҳсулотлари савдо дўконларини) қуриш каби долзарб чора тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Ушбу дастурда белгиланган вазифалар 2000 йилгача бўлган даврда асосан амалга оширилгани тадкиқот давомида аникланди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлаки йилларида “Ўзбектуризм” миллий компанияси ташкил этилиши ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиши натижасида соҳада жаҳон туризми ривожланиши тажрибасини ўрганиш ҳамда ўлкада сайёҳликнинг тарихий илдизлари мавжудлигини ҳисобга олиб, миллий туризмнинг ўзига хос миллий модели яратила бошланди. Туризмнинг давлат томонидан бошқарилиши асосида марказий ва ҳудудий бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди.

1995-2000 йилларда Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий шаҳарларда маданий меросни асрар, маданий мерос ёдгорликларидан туризмни ривожлантириш учун янада самарали фойдаланиш, замонавий туризм инфратузилмасини барпо этиш каби тадбирларни ўз ичига олган “Мерос” дастури 1995 йил августда ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси халқаро ва ички сайёҳлар сонининг ўсишига таъсир қилди.

Ўзбекистонда туризмнинг ташкилий асосларини яратишда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 сентябрдаги 335 сонли қарорининг ҳам, маълум даражада ўрни бор. Ҳужжат асосида, Та什қи ишлар вазирлиги ҳузурида Маданият, фан ва сайёҳлик тизимида халқаро ҳамкорлик бошқармаси тузилди. Бошқармага хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан республикадаги вазирлик ҳамда ташкилотларнинг сайёҳлик, маданият ва фан соҳасидаги алоқаларини ривожлантириш вазифалари белгиланди.

Бундан ташқари, туризм соҳасини ривожлантиришда меҳмонхона хизматларининг яхшиланиши ҳам катта аҳамиятга эга. Соҳанинг мазкур йўналишини тартибга солища 1998 йил 12 январдаги 389 сонли “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона хизматларини кўрсатиш қоидалари” ҳужжати муҳим рол ўйнайди. Ушбу меҳмонхона хизматлари кўрсатиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан ишлаб чиқилган бўлиб, идоравий бўйсуниш тоифаси ва мулқчилик шаклидан қатъий назар, барча турдаги меҳмонхоналарга жорий этилди.

Ўзбекистонда туризм бўйича юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, кадрлар масаласида халқаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда сайёҳликнинг иқтисодий аҳамиятини ошириш мақсадида 1999 йил 30 июнь “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда 1999 йил 2 июлдаги “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳуқуқий асосларга кўра:

биринчидан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида халқаро туризм факультетини ташкил этиш, Тошкент туризм касб-хунар колледжини ташкил этиш ва уларни малакали педагог ўқитувчилар билан таъминлаш, кадрлар маркетингини юритиши;

иккинчидан, 2000-2005 йиллар давомида Бухоро, Самарқанд, Хива, Фарғона, Термиз ва Шахрисабз шаҳарларида туризмга ихтисослаштирилган касб-хунар коллажларини босқичма-босқич ташкил этиш;

учинчидан, “Ўзбектуризм” МК туризм соҳасидаги таълим муассасаларининг халқаро ва хорижий сайёхлик ташкилотлар ва ўқув-илмий марказлари билан ҳамкорлик қилишига, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, халқаро ташкилотлар томонидан ўтказиладиган сайёхлик дастурларда қатнашишига амалий ва ҳомийлик ёрдамини бериши каби вазифалар белгиланган.

1991-1999 йилларда туризмни ривожлантиришда ҳуқукий асосларнинг яратилиши ва ташкилий жиҳатларни амалга оширилиши натижасида бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан:

1) туризмнинг меъёрий-ҳуқукий асослари яратилди, такомиллаштирилди, соҳани ривожлантириш бўйича идоралараро Кенгашнинг фаолияти йўлга қўйилди;

2) туризм соҳаси учун ягона жавобгар ва бошқарувчи давлат ташкилоти – “Ўзбектуризм” миллий компанияси ташкил этилди;

3) халқаро сайёхлик ташкилотлар ва ваколатхоналар билан алоқалар ўрнатилди;

4) Буюк ипак йўлининг тикланишида Ўзбекистоннинг иштироки соҳанинг маълум даражада ривожланишида туртки бўлди;

5) миллий сайёхлик фаолиятини халқаро меъёрлар андозасида ташкил этишда муҳим чоралар кўрилди;

6) сайёхларнинг туризм соҳасидаги фирмалар, ташкилотлар билан муносабатларни йўлга қўйиш, хорижий сайёхларга эркин алмаштириладиган валютада хизмат қўрсатиш тартибларининг жорий этилиши каби ўзгаришлар, шунингдек, хусусий сайёхлик ташкилотлари уюшмасининг (хусусий туризм ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилувчи) тузилиши, меҳмонхоналарда хизмат қўрсатиш қоидаларининг белгиланиши соҳасидаги бир қатор муаммо ва камчиликларни бартараф этишда имконият яратди.

“Ўзбектуризм” бошчилигига миллий туризм индустрясини яратиш, унинг ташкилий ҳамда меъёрий ҳуқукий жиҳатдан шакллантиришда анчагина ижобий ўзгаришларга эришилган бўлса-да,ammo 1991-1999 йиллар давомида туризмнинг бир қатор тармоқларида муаммолар ҳам сақланиб қолди. Улар қуидагилардан иборат:

1) соҳада малакали кадрларнинг танқислиги;

2) сайёхлик инфратузилманинг бир текисда ривожланмаганлиги (Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона водийсида сайёхлик инфратузилманинг ривожланмаган);

3) хорижда миллий сайёхлик маҳсулотнинг фаол reklamasasi йўлга қўйилмаганлиги;

4) виза тартибидаги камчилик ва нокулайликлар, божхона ва чегарадаги туристларни бездирадиган расмиятчиликларнинг кўплиги;

5) сайёхлик мавсум даврида асосий сайёхлик марказларда меҳмонхоналарнинг камлиги;

6) Ўзбекистонга авиаҷипталарнинг юкори нархлари ва меҳмонхона нархларининг хизмат қўрсатиш даражасига мос келмаслиги эди.

Ўзбекистон туризмида 2017-2019 йилларда жадал ўзгаришлар амалда оширилди. Бу жараённинг асосий омили Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ислоҳотлар бўлди. 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли Фармон билан туризм соҳасида янги ислоҳотлар даври бошланди.

Фармон сайёхлик соҳасида тарихий маданий мероси ва кўп минг йиллик қадриятлари билан Марказий Осиёда устун мавқега эга бўлган Ўзбекистонда ушбу соҳани иқтисодиётнинг стратегик муҳим тармоқ сифатидаги ўрнини мустаҳкамлаш, либераллаштиришнинг иқтисодий ҳамда ташкилий хуқуқий шарт-шароитларини ишлаб чиқиш ва қисқа муддатларда жорий этиш ҳамда янги сайёхлик турлари, маҳсулотлари ва йўналишларини яратиш билан жаҳон туризм бозорида ўзига хосликни намоён этиш орқали янги сайёхлик гурухлари ва улар келадиган давлатлар географиясини кенгайтириш мақсадида ўрта муддатли истиқболдаги туризм индустрясининг жадал ривожланишига хизмат қиласидиган илғор инновасион ечимлар ҳамда долзарб вазифалари белгиланди.

Туризм соҳасида ижобий ўзгаришларни амалга оширишда 2018 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3510-сонли қарори, Вазирлар Маҳқамасининг 2018 йил 22 октябрдаги “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидлари”га оид 845-сон қарори муҳим аҳамиятга эга. Ушбу меъёрий-хуқуқий ҳужжатлардаги ижобий ўзгаришлар замонавий сайёхлик соҳасида бошқарувни янада такомиллаштиришга, туризм ташкилотларига тажрибали мутахассис ходимларни жалб этишга, халқаро ва маҳаллий сайёхлар учун эса янада қулай шароитлар юзага келишига хуқуқий асосларни яратди.

Хуллас, туризм индустряси соҳасидаги ислоҳотларнинг жадаллаштирилши, хусусан, туристлар учун қулай шароитлар ва муҳит яратилиши, виза, паспорт, божхона тартибларининг соддалаштирилиши, меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларининг барпо этилиши, стандартларга мос хизматлар жорий этилиши, тарғибот-ташвиқот ишларининг кучайтирилиши (чет эл ОАВларини кенг миқёсда жалб этилиши) каби омиллар туристлар сонининг қўпайишига, улар ташриф буорадиган давлатлар географиясининг кенгайишига олиб келди.

Истиқтол йилларида зиёратгоҳлар ва зиёрат масалалари этнограф олимлар А.Аширов, А.Маликов ва бошқалар томонидан янгича ёндашувлар асосида ўрганилган. XXI асрнинг охирги йигирма йилида зиёратгоҳларни элшунослик маълумотлари асосида ўрганиш Ўзбекистоннинг турли воҳалари кесимида амалга оширилган. Масалан, Н.Абдулахатов Фарғона водийси, З.Абидова Хоразм воҳаси, Ф.Акчаев Жиззах воҳаси, С.Джураева Сурхондарё воҳаси, Ф.Хайитова Қашқадарё воҳаси ва Ш.Жумаева Тошкент вилояти зиёратгоҳлари, уларни таснифи, ўтказиладиган маросимларни энтоҳудудий хусусиятлари билан бирга зиёрат сайёхлиги йўналишига асос бўладиган обьектлар номларини қайд этишган.

Айниқса, тадқиқотчилар томонидан сайёхлик ривожига хизмат қилувчи хариталар, дастурларнинг яратилиши натижасида зиёрат сайёхлиги тушунчаси илмий муомалага олиб кирилган. Жумладан, Зайнаб Абидова Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари харитаси, Фарруҳ Акчаев Жиззах зиёратгоҳлари, Шоира Жумаева Тошкент зиёратгоҳлари ҳақида маълумот берувчи веб дастурларининг ишлаб чиқилиши натижасида ҳудудларда сайёхликнинг зиёрат йўналишини ривожлантириш учун асос бўлган. Санобар Жўраева “Сурхон воҳаси тарихий ва этномаданий манбаларига оид “i-turism” платформасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиха доирасида Сурхондарё воҳаси зиёратгоҳлари тарихига доир янги илмий маълумотларни ёзма манбалар ва археологик материаллар асосида аниқлаб, илмий муомалага киритган. Иқтисодчилар Б.Наврӯззода ва М.Таировалар томонидан воҳа

зиёратгоҳлари иқтисодиёт ва туризмни тадқиқ этиши натижасида сайёхликни даромад манбаига айлантириш йўллари илмий асослаб берилган.

Ўзбекистонда туризмни жадал ривожлантиришнинг меъёрий-хукуқий асоси яратилиши орқали чет эллик сайёхларни жалб қилиш, янги сайёхлик хизматларини жорий этиш ҳамда қўшимча валюта манбаларини яратиш орқали миллий иқтисодиётни ўсишига кўмаклашиш, тарихий-маданий сайёхлик йўналиши билан бир жараёнда туризмнинг замонавий турларини ҳам ривожлантиришга, тизимдаги касбий тайёргарликни яхшилаш ва рақобатбардош муҳитни юзага келтириш учун бир қатор сайди-ҳаракатлар амалга оширилди.

### **REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (22 декабр 2017 йил). – Тошкент: Ўзбекистон. 2018. – 61 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбектуризм” миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони. 1992 йил, 27 июль. ПФ-447-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Фармони. 1999 йил 15 апрел. ПФ-2286-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2018 йил 7 феврал. ПҚ-3514-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2017 йил 19 май. № ПҚ-2980. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
6. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2007. – 276 б.
7. Гулямов Р. Туризм - движущая сила развития в Центральной Азии. [https://www.uzdaily.uz/ru/post/62774\\_06.08.2021](https://www.uzdaily.uz/ru/post/62774_06.08.2021).
8. Гурин С. Туризм как антропологический феномен // Топос. 23.03.2004. <https://www.topos.ru/article/2169>.
9. Житенёв С.Ю. Религиозное паломничество в христианстве, буддизме и мусульманстве: социокультурные, коммуникационные и цивилизационные аспекты. – Индрик, 2012. – 264 с.
10. Индустрия туризма в Узбекистане // Новый Узбекистан, 2021. Спец выпуск. – С. 84-85.